

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ
ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар қўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни.

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Бош прокуратуранинг коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги тизимни жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

ҳар чоракда Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилади ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиб боради;

ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйидаги маълумотлар билан тўлдирилсин:

худудлар кесимида «Ҳаж» тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга боровчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами) маълумотлар;

болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат);

марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлар.

4. Агентликнинг қуйидаги жараёнларни интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси (ёпиқ илмий ишлар бундан мустасно);

б) ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасаларининг, (шу жумладан, «Темурбеклар мактаблари» ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари;

в) олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетларига (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш танловларининг қуйидаги босқичлари:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

5. Агентликка давлат органлари ва ташкилотларининг қайта алоқа тизими самарадорлиги даражасини баҳолаш мақсадида «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Белгилансинки, «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбири:

давлат органлари ва ташкилотларидаги ишонч телефонларининг (Call-марказ) ҳамда уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинган телефон рақамларининг доимий равишда ишчи ҳолатдалиги, маълумотлар алмашинуви самарадорлиги, қайта алоқанинг мавжудлиги, шу жумладан тезкорлиги ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши даражасини текшириш мақсадида ўтказилади;

Агентликнинг масъул ходимлари томонидан алоқа воситаларидан (телефон қўнғироқлари, электрон почта ва бошқа алоқа каналлари) фойдаланган ҳолда масофавий тартибда ўтказилади;

натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига ўзининг очиқликни таъминлашга оид фаолиятини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш учун кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома юборилади.

Бунда қуйидагилар тақиқланади:

«Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирини ўтказишда ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ва ундаш, шу жумладан низоли, баҳсли ҳолатларни ва камчиликларни сунъий равишда келтириб чиқариш;

«Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирини ўтказишда Агентлик масъул ходимларидан ташқари бошқа шахслардан фойдаланиш;

ўрганиш объектига ташриф буюриш.

Тадбир натижалари бўйича аниқланган камчиликлар вазирлик ва идоралар ходимларини жавобгарликка тортиш учун асос бўлмади, иш берувчи томонидан шахсий ташаббус кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Агентлик (А. Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:

уч ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини очиқлик соҳасидаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар талаблари бўйича ўқитишга қаратилган онлайн малака ошириш тизимини электрон платформа асосида йўлга қўйсин;

электрон платформа орқали ўқитилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг масъул ходимлари рўйхати ва аниқ муддатларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

электрон платформа ўқув модулларини якуни бўйича ҳар бир тингловчи эгаллаган билим ва малакаси тест синовидан ўтказилиб, натижаларини тўпланган баллар рейтинги асосида очиқ эълон қилиб бориш тартибини жорий этсин;

электрон платформа модуллари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, мунтазам такомиллаштириб (тўлдириб) борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6247-сон Фармонида 2-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

9. Агентлик уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Э. Бурханов белгилансин.

11. Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 ноябрь,
ПФ-200-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармонида 1-ИЛОВА

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
1.	Янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш.	«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги; давлат органларида мажбурий равишда коррупциявий хавф-	2024 йил май	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов)

		хатарларни баҳолаш ишларини амалга ошириш талаблари; коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари; Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари; сиёсий партияларнинг молиялаштирилишини нг очиқ ва шаффофлиги ҳамда сайлов жараёнларидаги коррупциянинг олдини олиш чоралари; давлат бошқаруви органларининг коррупцияга қарши стандартларни жорий этиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш бўйича механизмларини белгилаш.			
2.	Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг «Call-марказ» фаолиятини такомиллаштириш.	Фуқаролар томонидан коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи «Call-марказ»га қилинган қўнғироқларни ёзиб олиш ва овозли хабар қолдириш имкониятини яратиш.	2024 йил февраль	Ижрочилар маблағлари	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)
3.	Коррупцияга оид хабарлар билан ишлаш	Коррупция тўғрисида хабар берувчиларнинг	2024 йил апрель	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

	тизимини такомиллаштириш.	ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, коррупция билан боғлиқ муурожаатларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш имкониятини берувчи ягона марказлаштирилган электрон тизимни яратиш назарда тутилади.			(А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)
4.	Давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган «Open data» электрон таълим платформасини ишга тушириш.	Электрон таълим платформаси дастурий таъминотини яратиш ҳамда очиқликни таъминлаш соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ўқув модулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, платформа орқали давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларини ўқитишни ташкил этиш.	2024 йил февраль	Грант маблағлари	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)
5.	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағларнинг сарфланиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш.	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар (жарима, давлат мулкни ижарага бериш ва сотиш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва бошқа), уларнинг сарфланган мақсад ва йўналишлари ҳақидаги маълумотларни очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-	2024 йил март	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)

		сайтларда эълон қилинишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			
6.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.	Қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш: давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш; оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилинишини баҳолашда «Қайта алоқанинг сирли миждаси» тадбири натижаларини ҳисобга олиш.	2024 йил июнь	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев)
7.	Давлат органлари ва ташкилотлари очиқликлигини таъминлаш фаолияти устидан назорат тизими самарадорлигини ошириш.	Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофавий мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2024 йил июнь	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)
II. Давлат хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
8.	Вазирлик ва идораларнинг инсон ресурсини	Бюрократик тўсиқларни, коррупциявий хавф-	2023 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари	Давлат хизматини

	ривожлантириш ва бошқариш фаолиятини рақамлаштириш.	хатарлар ва инсон омилини қисқартириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг кадрлар билан ишлаш йўналишидаги фаолиятини hrm.argos.uz электрон базаси орқали амалга ошириш. Бунда: таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш; шахсий таркибга оид буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш; кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.			ривожлантириш агентлиги (О. Хасанов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), вазирлик ва идоралар
III. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
9.	Маъмурий тартиб-таомилларнинг бир хилда қўлланилиши бўйича давлат органларида ягона ёндашувни шакллантириш.	Давлат органлари ва ташкилотларида маъмурий тартиб-таомилларни бир хилда ташкил этиш ва ижросини таъминлаш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш ҳамда етказилишини таъминлаш.	2023 йил декабрь	-	Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)
10.	Судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг, уларнинг	Судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг	Ҳар чорак якуни билан кейинги	-	Олий суд (Б. Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров),

	мансабдор шахсларининг бекор қилинган ноқонуний қарорлари тўғрисидаги маълумотларнинг жамоатчилиқ учун очиклигини таъминлаш.	ноқонуний чиқарилганлиги учун бекор қилинган қарорлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни билан расмий веб-сайтда очик эълон қилиб бориш.	ойнинг 15 санасига қадар		Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)
IV. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
11.	Давлат харидлари тартиб-таомилларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш.	Давлат хариди жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган, давлат хариди иштирокчиси бўлган юридик шахснинг мансабдор шахслари ёки таъсисчиларини Инсофсиз ижрочилар реестрига киритиш ҳамда ушбу шахслар бошқарувидаги ёки бенефициар таъсисчилигида бўлган бошқа юридик шахсларнинг ҳам давлат харидидаги иштирокини чеклаш билан боғлиқ тартибни жорий қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил март	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Олий суд (Б. Исламов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)
12.	Давлат харидларида товар (иш ва хизматлар)нинг нархларини назорат қилиш механизмларини яратиш.	1. Давлат харидлари тартиб-таомилларини амалга оширишда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини давлат харидларининг махсус ахборот порталида эълон қилинган нархлар асосида	2023 йил декабрь	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Статистика агентлиги (Б. Бегалов), Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар

		шакллантиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Давлат харидларида товар (иш ва хизматлар)нинг бошланғич нархини белгилашнинг намунавий тартибини ишлаб чиқиш. Бунда, товар (иш ва хизматлар)нинг бошланғич нархларини махсус ахборот порталида эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш.			ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	Давлат харидларини амалга оширишда ягона етказиб берувчиларни белгилашнинг шаффоф тизимини яратиш.	1. Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш регламентини ишлаб чиқиш. Бунда: амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритган ҳолда Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун ваколатли орган ва тегишли масъул вазирлик, идораларнинг масъулларидан иборат комиссияни тузиш ҳамда ушбу комиссия иш фаолиятини «Xarid.mf.uz» платформаси орқали электрон тарзда кўриб чиқиш механизмини жорий қилиш; ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги ариза ва унга илова	2024 йил январь	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

		маълумотларни Давлат харидлари марказий ахборот порталида очик эълон қилиш, мажбурий жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш, мазкур ариза бўйича жамоатчилик вакилларида ўз фикр ва эътирозларини порталда қолдириш имкониятини яратиш; ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижаларини (қаноатлантирилганла р ва рад этилганлар асослари) Давлат харидлари марказий ахборот порталида очик эълон қилиш. 2. Ягона етказиб берувчилар билан шартнома тузиш жараёнларини электронлаштириш, яъни махсус ахборот портали орқали тузилишини жорий қилиш.			
14.	Давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатларининг судларда кўриб чиқиш бўйича ягона амалиётни шакллантириш.	Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш орқали амалга оширилган давлат харидлари билан боғлиқ ишларни кўриш амалиётини умумлаштириб, бу тоифадаги ишларни кўришда ягона амалиётни шакллантириш бўйича судларга зарурий тавсияларни ишлаб чиқиш.	2024 йил май	-	Олий суд (Б. Исламов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

15.	Давлат органлари ва ташкилотларга тегишли корпоратив банк карталари орқали харидларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш.	Давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2024 йил апрель	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норкулов), Марказий банк (М. Нурмуратов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)
16.	Республика ижро этувчи ҳокимият органларида аутсорсинг хизматлари кўрсатишдаги коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш.	Республика ижро этувчи ҳокимият органларида аутсорсинг хизматлари кўрсатишнинг ягона тартибини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: аутсорсерларни танлаб олиш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф механизмларини, шу жумладан ягона электрон платформа жорий этишни; аутсорсер ва буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини; аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан назорат ва мониторинг қилиш механизмларини; аутсорсинг хизматларини ташкил этиш ва ўтказишда коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини белгилаш.	2024 йил март	-	Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норкулов), вазирлик ва идоралар
17.	Давлат харидлари соҳасида қонунбузилиш ҳолатларининг	Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб	2024 йил июнь	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов),

	олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш.	чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: Агентлик ваколати доирасида аниқлаган давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш; Агентликка давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолда тузилган битимни, қабул қилинган қарорни ҳамда бошқа ҳужжатни ўзгартириш, бекор қилиш ёки уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида давлат божидан озод этилган ҳолда судга даъво киритиш ваколатини бериш; давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда давлатга етказилган зарарнинг ҳамда ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжатнинг ижроси билан боғлиқ харажатларнинг ўрни айбдор мансабдор шахсдан ундириб олиш; давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари аниқланганда Агентликнинг тақдимномасига асосан харид қилиш			Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)
--	---	---	--	--	---

		тартиб-таомилларни тўхтатиб туришни назарда тутиш.			
V. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
18.	Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаларини амалга ошириш.	Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш; коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш; соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш; коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш.	2023 йил декабрь	-	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), вазирлик ва идоралар
19.	Олий таълим муассасалари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш.	НЕМИС ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан олий таълим муассасаларининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш рейтингини аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш. Рейтинг натижалари бўйича салбий кўрсаткич қайд этган олий таълим муассасаларида	2023 йил декабрь		Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Каримов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)

		коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.			
VI. Коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини такомиллаштириш					
20.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, танқидий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш.	Қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: коррупцияга қарши курашиш соҳаси бўйича миллий экспертлар жамоасини босқичма-босқич шакллантириш; илмий-методик материалларни ишлаб чиқишга хорижий экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб этишни мувофиқлаштириш; миллий экспертларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги малакасини ошириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш халқаро академияси (ІАСА) ва бошқа халқаро таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш.	2024 йил январь	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (Е. Коленко), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Каримов)
VII. Суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш					
21.	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг олдини олиш.	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг коррупцияга оид жиноятлар содир этилишига имконият яратиб бераётган функция ва вазифаларини таҳлил қилиб, уларни судларга ўтказиш ёки рақамлаштириш орқали коррупция хавф-хатарларни	2024 йил май	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов),

		минималлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.			вазирлик ва идоралар
VIII. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш					
22.	Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш.	1. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар ва ижтимоий буюртмалар сони ва ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш. 2. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан эълон қилинадиган давлат грантлари ажратиш учун танловларда мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мавзулар киритиш. 3. Нодавлат нотижорат ташкилотларини соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тизимли равишда семинарлар ташкил этиб бориш.	2023- 2024 йиллард а	Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб- қувватлаш жамоат фонди маблағлари	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди (келишув асосида), Қорақалпоғисто н Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари (келишув асосида), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (К. Ишанходжаев), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (Е. Коленко), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов),

					Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкilotлари миллий ассоциацияси (К. Ишанходжаев)
23.	Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг қўламли «Аксилкоррупци я ҳафталиги»ни ўтказиш.	«Аксилкоррупция ҳафталиги»ни ўтказиш бўйича чора- тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш.	Ҳар йили ноябрь- декабрь ойларид а	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ахборот ва оммавий коммуникациял ар агентлиги (А. Ходжаев), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)
24.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини аниқлаш ва ошириш мақсадида тизимли равишда ижтимоий тадқиқотлар ва сўровлар ташкил этиб бориш ва натижаларини кенг жамоатчиликка эълон қилиш.	«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва бошқа нодавлат ташкilotлар иштирокида аҳолининг коррупцияга муносабатини ва олиб борилаётган ислохотлардан хабардорлик даражасини ўрганиш юзасидан сўровномалар ташкил этиш. Бунда, сўровномалар мавзуси танлашда коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларни аниқлаш, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигига баҳо бериш, фуқароларнинг коррупцияга нисбатан муносабатини	Ҳар ярим йилда	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (Н. Рахимова)

		аниқлаш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларига эътибор қаратиш.			
25.	Ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари вакилларининг ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш юзасидан йиллик режа-жадвални ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.	2023 йил декабрь	-	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Каримов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов), вазирлик ва идоралар
26.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада эришилган натижаларни муҳокама қилиш ва тушунтиришга бағишланган тарғибот тадбирларини амалга ошириш.	Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупция ҳолатларига дуч келганда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тушунтириш ва амалий кўмак бериш, соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, эришилаётган натижалар ва келгуси вазифа-мақсадларни муҳокама қилишга бағишланган махсус телекўрсатув, ток-шоуларни эфирга узатишни йўлга қўйиш.	Алоҳид а режа жадвалга асосан 2023-2024 йилларда	-	МТРК (А. Хаджаев), Миллий медиа ассоциацияси (Ш. Қудратхўжа) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), вазирлик ва идоралар
IX. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш					
27.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга	Мониторинг ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни кўриш.	2023 йил декабрь	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Олий суд

	қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида ўтказиладиган 5-босқич мониторинг чоратадбирларига тайёргарлик кўриш.				(Б. Исламов), вазирлик ва идоралар
28.	Иқтисодий ҳамкорлик ва таракқиёт ташкилотининг Халқаро молия-тижорат битимларини амалга оширишда хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенциясига қўшилиш масаласини ўрганиш.	1. Конвенцияга қўшилиш юзасидан миллий экспертлар гуруҳини шакллантириш. 2. Конвенцияга қўшилиш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2024 йил август	-	Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов), вазирлик ва идоралар
29.	«Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилотига аъзо бўлиш масаласи бўйича асослантирилган таклиф ишлаб чиқиш.	1. «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилотига аъзо бўлиш юзасидан масъул давлат идоралари вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилоти вакиллари билан аъзо бўлиш шартлари, мавжуд салоҳиятни таҳлил қилиш ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чоратадбирларни муҳокама қилиш. 3. «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилотига Ўзбекистон	2024 йил февраль 2024 йил апрель 2024 йил июнь	Халқаро молия институтлари маблағлари	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов), вазирлик ва идоралар

		Республикасини аъзо бўлишга қаратилган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.			
30.	«Ўзбекистон — 2030» Стратегиясидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш бўйича давлатнинг истиқболдаги асосий йўналишини белгилаш.	Қуйидагиларни назарда тутувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш: коррупция келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш; амалдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш; жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш.	2024 йил март	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Олий суд (Б. Исламов), вазирлик ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармонида 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6247-сон Фармонида киритилаётган қўшимча

1-илова қуйидаги мазмундаги 36 — 40-позициялар билан тўлдирилсин:

«

36.	Худудлар кесимида «Ҳаж» тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга борувчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами ва зиёрат тури) маълумотлар.	Расмий веб-сайт	ҳар чоракда	Ўзбекистон мусулмонлари идораси
37.	Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган	Расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, худудий

	сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар.			мактабгача ва таълими бошқармалари
38.	Давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат)	Расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат органлари ва ташкилотлари
39.	Бўш иш ўринлари (марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида), ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар ойда	Давлат органлари ва ташкилотлари
40.	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан қолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар ярим йилликда	Давлат органлари ва ташкилотлари

».

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.11.2023 й., 06/23/200/0896-сон)